

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЛМАТОВА ВАЗИРА НАРЗУЛЛАЕВНА

**МОДАЛ БИРЛИКЛАРНИНГ ГАП ПРАГМАТИК МАЗМУНИНИ
ИФОДАЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ
(ИНГЛИЗ ТИЛИ МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on philological
sciences**

Холматова Вазира Нарзуллаевна

Модал бирликларнинг гап прагматик мазмунини
ифодалаш имкониятлари 3

Холматова Вазира Нарзуллаевна

Возможности выражения модальными единицами прагматического
содержания предложения 29

Kholmatova Vazira Narzullaevna

Possibilities of expressing sentence pragmatic meaning by modal units 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЛМАТОВА ВАЗИРА НАРЗУЛЛАЕВНА

**МОДАЛ БИРЛИКЛАРНИНГ ГАП ПРАГМАТИК МАЗМУНИНИ
ИФОДАЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ
(ИНГЛИЗ ТИЛИ МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4PhD/Fil658 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Хорижий тиллар” кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида www.samdchti.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фанлари доктори, доцент

Нормуродова Нозлия Зарилловна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «11» август соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» июл куни тарқатилди.
(2020 йил «29» июл даги №2 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature in blue ink]

И.М. Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, доцент

А.А. Яхшиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Н.Қ. Турниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида тил тизимининг турли сатҳларига қарашли бирликларнинг прагматик вазифа ва мазмуни узлуксиз равишда тадқиқотчилар эътиборини тортиб келмоқда. Нутқий тузилмалар прагматик мазмуннинг шаклланиши ва кейинги ривожланиш қонуниятларини тавсифлашда маълум тилдан фойдаланувчи инсоннинг лисоний тафаккур қобилиятини инобатга олиш зарурлиги тўлиғича эътироф этилмоқда. Аммо мулоқотнинг самарали кечишига бевосита таъсир кўрсатадиган бирликларнинг функционал-семантик мақомини аниқлаш зарурати сақланиб қолмоқда. Зотан, узатилаётган ахборот мазмунига лисоний шакл бериш жараёнида сўзловчи шахс коммуникатив самарага эришишни таъминловчи омилларни танлашга интилади. Ушбу омилларни ажратиш ва илмий жиҳатдан тавсифлаш тилшуносликнинг долзарб вазифаларидандир.

Дунё тилшунослигида нутқий таъсир меъёри ҳамда гап ва матннинг коммуникатив хусусиятларини тизимли равишда таҳлил қилиш анъанаси кенг кўламда ёйилган. Гап ҳодисасининг замонавий тадқиқ йўналишлари ушбу ҳодисанинг нутқий фаоллашув имкониятлари билан қизиқиб, унинг номинатив ва прагматик кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлик кўламида ўрганади. Сўзловчи ўз фикрини ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиш даражасида лисоний воқелантирса-да, лексик жиҳатдан фикр ифодасини қаътиятли шакллантириш йўлини танлайди ва бунинг натижасида тингловчи билан ўзаро келишув йўллари кидиради.

Бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ўзбек олимлари олдига ҳам қатор вазифалар қўйилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда хорижий тилларнинг назарий асослари тадқиқи ҳамда ушбу тадқиқотлар натижаларини узлуксиз равишда тил таълими амалиётига татбиқ қилиш масаласи барчанинг эътиборида турибди. Зотан, хорижий тилларни пухта эгаллаш халқлараро дўстлик, ҳамкорлик ришталари яна чуқурроқ ёйилиши ҳамда кенг қулоч отишига замин яратади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”¹ масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тилшунослик соҳасида ҳам илмий изланишлар кўламини кенгайтиришга кенг имкониятлар яратади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони// “Халқ сўзи” газетаси 8.02.2017 й. 28 (6722) – сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909 сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 5-июндаги ПҚ-3775 сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори ва 2019 йил 8-октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гап ҳодисасининг нутқий фаоллашув шароитидаги кўринишлари ва коммуникатив бирлик сифатида бажарадиган вазифалари тадқиқи тилшунослар диққатини доимо жалб қилиб келмоқда. Шу ўринда Н.Д.Арутюнова, В.А.Звегинцев, Г.Л.Золотова, Н.Махмудов, А.Нурмонов, Р.Р.Сайфуллаева ва бошқалар, Н.А. Слюсарова, G.Leech, J.Svartvick, R.Huddleston кабилар олиб боришган изланишларни алоҳида қайд этиш керак². Айниқса, гап ва бошқа нутқий тузилмаларнинг талқинида прагмалингвистик ёндашувнинг тараққий этиши коммуникатив мазмун ифодаси масаласига эътиборнинг янада кучайишига сабаб бўлди (В.В. Богданов; М.В. Кобозева; Г.Г. Почепцов; Л. Раупова; Ш. Сафаров; И.П.Сусов; K. Bach; L. Cummings; K. Haverkate; G.Leech; S. Levinson; P. Segerdahl ва бошқалар)³.

² Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. –М.: URSS, 2007. – 383 с.; Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к речи. –М.: URSS, 2007. – 312 с.; Золотова Г.Л. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. Изд. 5. – М.: URSS, 2007. – С.168-187; Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995.-54 б.; Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Х., Курбонова М.М., Юнусова З.Х., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан ва технология, 2010. – 404 б.; Слюсарова Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. – М.: Наука, 1981. – 201 с.; Leech G.N., Svartvick J. A Communicative Grammar of English. – М.: Высшая школа, 1983. – 304 p.; Huddleston R. Introduction to the Grammar of English. – Cambridge: Cambridge University Grammar, 1995. – 483 p.;

³ Богданов В.В. Лингвистическая прагматика и её прикладные аспекты// Прикладное языкознание. СПб.: Изд-во СПб. у-та, 1996. –С. 268-275; Кобозева И.М. “Теория речевых актов” как один из вариантов теории речевой деятельности // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 7-21; Почепцов О.Г. Основы прагматического описания предложения: Диссертация ... доктора филологических наук. –К., 1989.–480с.; Раупова Л.Р. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини (полипредикатив бирликлар мисолида). – Т., 2011.–100 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон

Прагматиканинг ажралмас қисми бўлган нутқий актлар назариясининг ривожига эса, ўз навбатида, гап мазмунини турли нутқий мулоқот вазиятида шакллантирувчи ва коммуникатив вазифа ижросини таъминловчи бирликларни тавсифлаш ва таснифлаш муаммосини долзарблаштирди. Шу жумладан, модаллик маъносининг нутқий тузилма мазмунини воқелантиришдаги иштироки ўрганилмоқда⁴.

Бироқ мулоқот контекстида гап мазмуни, одатдаги коммуникатив таснифга мос келадиган асосий прагматик маънолар (дарак, буйруқ, савол) билан бир қаторда, тасдиқ, розилик/норозилик, инкор қилиш, воз кечиш, эътироз билдириш, огоҳлантириш, ҳақоратлаш каби қўшимча бўёқларга эга бўлиши мумкин. Худди шу турдаги иккиламчи маънолар ифода воситаларини ҳамда қўлланиш қўламини таҳлил қилиш зарурати мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Хорижий тиллар” кафедрасининг “Тилнинг лексик-грамматик тизими ва тил таълимида инновацион жараёнлар” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гап прагматик мазмунини шакллантиришда модал бирликларнинг функционал имкониятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

• таъкид прагмасемантик категориясининг коммуникатив мақомини белгилаш ва унинг бошқа прагматик категорияларга муносабатини аниқлаш;

миллий энциклопедияси, 2008. – 286 б.; Сусов И.П. Лингвистическая прагматика. – Винница, 2006. – 138 с.; Bach K. *Speech Acts and Pragmatics // Blackwell Guide to the Philosophy of Language*. – London: Blackwell, 2003. (online); Cummings L. *Pragmatics. A Multidisciplinary perspective*. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2005. –336p.; Haverkate H. *Impositive Sentences in Spanish: Theory and Description in Linguistic Pragmatics*. – Amsterdam etc.: Holland Publ. Co., 1999. – 194 p.; Leech G.N., Svartvick J. *A Communicative Grammar of English*. – М.: Высшая школа, 1983. – 304 p.; Levinson S. *Presumptive Meanings: A Theory of Generalized Conversational Implicature*. – Cambridge, Ma: MII press, 2000.-504 p.; Segerdahl P. *Language Use. A Philosophical Investigation into the Basic Notions of Pragmatics*. –Hound mills, etc.: Mac million Press, 2000. – 240p.

⁴ Беляева Е.И. Функционально – семантические поля модальности в английском и русском языках. – Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1985. -180 с.; Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив – прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фанлари доктори... дисс. автореферати. –Т., 2017. - 86 б.; Давыденко Л.Г. Коммуникативная модальность предложений с глаголами *can / could, may / might*. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Пятигорск, 1994. – 24 с.; Зеленщиков А.В. Пропозиция и модальность. – СПб.: Изд-во СПб. у-та, 1997. – С.93; Кобрин О.А. Модусные категории как способы выражения субъективного отношения человека к высказыванию // Вопросы когнитивной лингвистики. – Тамбов, 2006. - № 2(008). – С. 90-100; Мўминова А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингво-маданий хусусиятлари: Филол. ... фалсафа доктори(PhD) дисс. Автореферати. – Т., 2008. – 49 б.; Шестакова О.Б. Субъективные модальные значения “желание” и его актуализация в дискурсе. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – СПб., 1995. – 17 с.; Яковлева Е.С. Значение и употребление модальных слов, относимых к разряду показателей достоверности/недостоверности: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1993. – 23 с.; Ball W.J. *Understatement and Overstatement in English // Language Teaching*. – 1990. – V. 24. – P. 201-208; Britt E. *Pragmatic Expressions in English: A study of “You know”, “You see”, “I mean” in Face-to-Face Conversation*. – Stockholm: Almqvist and Wiksell intern., 1997. – 238 p.; Holmes J. *Modifying Illocutionary Force // Journal of Pragmatics*. – 1994. № 38. – P. 345-365; Nuyts J. *Epistemic modality, language and conceptualization: A cognitive – pragmatic approach*. – Amsterdam: John Benjamins, 2001; Traugott E. *Subjectification and the development of epistemic meaning: The case of promise and threaten // Modality in Germanic Languages*. – Berlin: Mouton de Gruyter, 1997. – P. 185-210.

гап прагматик мазмуни шаклланишида модал бирликлар бажарадиган вазифалар кўламини ўрганиш;

мазмун ривожини таъминловчи лисоний воситалар вариантлашувининг семантик, грамматик ва синтактик хусусиятларини чегаралаш;

прагматик мазмунни таъкидлаш ва юмшатиш воситаларининг мулоқот матни доирасида фаоллашув ва ўзаро мослашув шартларини таҳлил қилиш.

Тадқиқот объектини инглиз тили тизимидаги гап мазмунини шакллантириш ва ўзгартиришда иштирок этадиган модал бирликлар ҳамда уларнинг вазифавий муқобиллари ташкил қилади.

Тадқиқот предмети турли гуруҳдаги модал операторларнинг нутқий тузилма таркибида намоён бўладиган семантик, прагматик ва коммуникатив жиҳатларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қуйидаги тадқиқ ва таҳлил усулларига мурожаат қилинди: тавсифлаш методи, қиёслаш ва мантиқий умумлаштириш усуллари, компонент таҳлили, прагма-семантик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нутқий тузилмалар ифодаладиган прагматик мазмун ва вазифага инновацион моҳият бағишладиган тил бирликлари илк бора мажмуавий кўринишда тадқиқ этилган;

таъкид маъносидаги нутқий акт тури ажратилиб, унинг бетарафлик хусусиятидаги нутқий тузилмалар қаторига қарши қўйилиши исботланган;

модал операторларнинг асосий прагматик вазифалари, уларнинг шаклан, семантик ва синтактик вариантлашувининг лисоний-прагматик ҳамда дискурсив қоида-қонуниятларига амал қилиши далилланган;

прагматик мазмунни шакллантирувчи операторларнинг модал ва коммуникатив турлари мавжудлиги исботланган ва ушбу турдаги лисоний бирликларнинг функционал жиҳатлари белгиланган;

ягона бир нутқий тузилма таркибида турли йўналишдаги прагматик операторларнинг ўзаро муносабати ўрганилиб, уларнинг матнда фаоллашиш шартлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

тадқиқ этилаётган лисоний бирликларнинг прагматик вазифасини аниқлаш бўйича таҳлил қилиш ва тавсифлаш усуллари ишлаб чиқилган;

инглиз тилида яратилган бадиий адабиётлардан тўпланган мисоллар таҳлили натижасида аниқ маълумотлар олинган;

ишнинг амалий натижалари назарий грамматика, прагмалингвистика, коммуникатив тилшунослик курсларидан ўқув қўлланмалар ёзиш ва ўқув-услубий тавсияномалар тузишда қўл келади, шунингдек, инглиз тилини ўқитиш амалиётига доир махсус курсларда мулоқот мазмунини ўрганиш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий тилшуносликка хос метод ва назарий манбалардан фойдаланиш, коммуникатив тилшунослик, прагмалингвистика фанларида шаклланган назарий қарашлар ёрдамида

муаммони ҳал қилишнинг таянч усулларига мурожаат қилган ҳолда амалга оширилганлиги билан асосланади. Шунингдек, чиқарилган хулосаларнинг қаътийлиги, қўлланилган ёндашув ва методлар ҳамда уларнинг назарий асослари бадиий адабиётлардан олинган мисоллар таҳлили мувофиқлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини гап мазмуни шаклланиши ва мулоқот муҳитида воқеланишини прагмалингвистика ва коммуникатив тилшунослик йўналишлари доирасида ўрганиш ташкил этади. Мазмун ифодасининг прагматик воситаларини ажратиш ва функционал-семантик гуруҳларга таснифлаш мулоқот самарасини таъминловчи лисоний ва нолисоний омилларнинг ҳаракат механизмларини тушунишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти инглиз мулоқот тизими бирликлари, прагмалингвистика, матн тилшунослиги, семантика соҳалари бўйича махсус семинарлар ташкил қилиш, тил таълими амалиётида, ўқув адабиётларининг янги авлодини тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, тадқиқот материали тил ўрганувчиларда коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга, синтактик деривация малакаси билан боғлиқ қобилиятни ўстиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Прагматик мазмунни шакллантириш ва ривожлантириш омилларини тақдим этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

модал бирликларнинг прагмасемантик моҳиятини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлили ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида қўлланиши натижасида турли гуруҳдаги модал операторларнинг нутқий тузилма таркибида намоён бўладиган семантик, прагматик ва коммуникатив жиҳатларини тадқиқ этиш тамойилларини янада бойитишга эришилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 мартдаги 89-03-1176-сон маълумотномаси);

нутқий актлар майдонида модал бирликлар ва уларнинг вариантларини ажратишнинг ишлаб чиқилган механизмларидан И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” инновацион лойиҳасида фойдаланилган. Натижада, ўқув адабиётларининг методологик асосини шакллантиришга эришилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 мартдаги 89-03-1176-сон маълумотномаси);

диссертация натижаларидан ИЗТ-20170928 247 рақамли “Инновацион иқтисодийётга ўтиш шароитида уй хўжаликларидан тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг иқтисодий ва молиявий механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилганлиги натижасида ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникатив қобилиятини ошириш,

таълим жараёнини оптималлаштиришга эришилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 мартдаги 89-03-1176-сон маълумотномаси);

мулоқот бирликлари мазмунини лисоний ифодалашга оид хулосаларидан Қашқадарё вилояти радиосининг 2020 йил 13 январдаги “Олтин воҳа” ҳамда “Таълим ва ислоҳот” эшиттиришларининг сценарийсини тузишда фойдаланилган. Нутқ ходисаларининг мазмуни ҳамда фаоллашув қоидаларига амал қилиш эшиттириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 6 февралдаги 98-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 5 та, шу жумладан, 1 та республика, 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та, жумладан, 9 та республика, 2 таси хорижий ва 1 та scopus журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, уч боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси, фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 134 бет босма матнни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти таъкидланган, ишончлилиги, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гапнинг прагматик мазмуни ва унинг контекстда ўзгариши”** деб номланган биринчи бобида коммуникатив тилшуносликнинг алоҳида йўналишда ривожланиши ва маъно (мазмун) категориясининг бошқача талқин олиши борасидаги назарий қарашлар таҳлилига бағишланган. Мазмун ҳодисаси эндиликда мақсадли, коммуникатив мўлжал тушунчалари билан боғлиқ ҳолда тавсифлана бошланди. Нутқий тузилмалар семантикаси, нафақат гапнинг денотатив маъносини, балки унинг коммуникатив-прагматик мундарижасини ҳам қамраб олади. Нутқий акт назарияси тарғиботчилари мазмунни сўзловчи ҳаракати, истаги билан

боғласалар⁵, бошқалар учун прагматик мазмун ажратилишида тузилманинг тингловчи ёки адресатга таъсири муҳимдир. Назаримизда, прагматик мазмунни сўзловчи мақсади билан боғлиқ равишда талқин қилиш маъқулроқ кўринади.

Аммо коммуникатив мақсад гап мундарижасининг фақат бир томонини, аниқроғи-субъектив қисмини ташкил қилади. Унинг объектив жиҳатлари эса тингловчининг билдирилаётган мақсадни идрок этишига бориб тақалади. Зотан, мулоқот ҳаракатини ижро этаётган сўзловчи ҳар доим маълум бир натижани кўзлайди. Шу сабаб, лисоний бирликларнинг қўлланиши фақат шу натижа сари йўналтирилади⁶.

Шундай қилиб, прагматик маъно сўзловчининг коммуникатив мақсадига ишора қилади ва бевосита нутқий мулоқот вазиятида юзага келади. Лекин пропозициянинг аниқ бир нутқий вазиятда фаоллашувини акс эттирувчи прагматик мазмун қўшимча модал кўрсаткичларга ҳам эга бўлади. Бу кўрсаткичлар сўзловчининг маълум қилинаётган ахборотга муносабатини ифодалаб, коммуникатив мақсадга модал-баҳо қатламини бахшида этади.

Прагматик маъно тадқиқининг кенг тарқалган йўналишларидан бири унинг таснифий белгиларини аниқлашдир.

Ёндашувлар ва таснифлар турли кўринишда эканлигига қарамасдан, тадқиқотчилар одатда учта асосий категориал прагматик мазмунни ажратишни маъқул кўрадилар. Масалан, О.Г.Почепцов бундай категориал мазмунни коммуникатив мақсад ибтидоси билан боғлаб, уч турдаги интенцияни фарқлашни таклиф қилади: а) тавсиф; б) ундаш; в) сўраш⁷. Ушбу таснифнинг гапларни коммуникатив турларга ажратиш аънаси билан ҳамоҳанглиги яққол кўриниб турибди.

Умуман, гап семантикаси поғонали тузилишга эга бўлиб, илк босқичда асосий маъно турса, бошқалари эса иккиламчи босқичларга жойлашади. Бунинг натижасида синтактик қолипларнинг турли кўринишдаги вазифалар бажариш ҳолати юзага келади. Синтактик моделларнинг бирламчи ва иккиламчи вазифаларини фарқлаётган тадқиқотчилар⁸ бирламчи вазифани парадигматик (денотатив) маъно воқеланишида кўрадилар. Иккиламчи вазифа эса синтактик транспозиция, яъни кўчимнинг маълум бир тури сифатида талқин қилинади. Синтактик бирликларнинг вазифавий транспозицияси биринчилардан бўлиб фаранг тилшуноси Ш.Балли томонидан ўрганилиб, ушбу ҳодиса «лисоний бирлик, ўз семантик структурасини сақлаган ҳолда грамматик маъносини ўзгартириши»

⁵ Кобозева И.М. «Теория речевых актов» как один из вариантов теории речевой деятельности // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С.7-21; Bach K. Speech Acts and Pragmatics // Blackwell Guide to the Philosophy of Language, 2003. (online).

⁶ Серль Дж.Р. Косвенные речевые акты (пер. с англ.) // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986 в. – С. 195-222.

⁷ Почепцов О.Г. Основы прагматического описания предложения. – К.: Изд-во при КГУ «Вища школа», 1986. – 116 с.

⁸ Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории. – М.: URSS, 2007. –200 с.

кўринишида тавсифланади⁹. Лисоний белги маъносининг ўзгариши натижасида семантик транспозиция юзага келади. Ш.Баллининг қайдича, бундай транспозицияга гап ҳам учрайди [Балли 2001: 135]. Масалан, анъанага биноан савол гаплар қаторига киритиладиган тузилмалар тасдиқ, илтимос, инкор мазмунларини ифодалашни қайд этилган:

- 1) Would you like to sit down? (ундаш);
- 2) What difference does it make? (инкор);
- 3) Will you kindly answer my question? (илтимос).

Демак, синтаксис сатҳида кечадиган вазилавий транспозиция турли лисоний омиллар билан боғлиқ ва булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) гапнинг луғавий таркиби; 2) гапнинг синтактик структураси; 3) контекст; 4) интонация. Ушбу омиллар таъсирида тасдиқ гапи янги вазифага эга бўлади ва ушбу вазифа нутқ тизимидаги маълум шароитларда иккиламчи маъно ифодасига сабаб туғдиради.

Нутқий тузилманинг коммуникатив мазмуни, умумий маънодан ташқари, гапнинг нутқ контекстида фаоллашуви билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган қатор семаларни акс эттириши юқорида қайд этилди. Шунга биноан, тилшунослар тасдиқ иллокутив ҳаракати доирасида турли нутқий актлар бажарилишини қайд этиб келмоқдалар.

Дарак, ундов, сўроқ кабиларни категориал прагматик маъно сифатида қарайдиган бўлсак, гап тузилмасининг ифода планидаги бундай имконияти вазилавий ва коммуникатив жиҳатдан намоён бўлишини эътироф этмоқ керак. Нутқий актларнинг фарқланиши эса кўпроқ сўзловчининг мулоқот мақсадидаги даражаланиш билан боғлиқдир. Ж.Жумабоева айланма характердаги градуонимик қаторларга «циклик градуонимик қатор» атамасини бераётиб, ушбу қаторнинг моҳиятини бирор-бир ҳодисага нисбатан қатор аъзоларида бошланғич ва охириги нукта мавжуд бўлишини, «уларнинг бу нукталари бир-бирига антоним бўлмасдан, айланма ҳаракатда эканлигини» уқтиради¹⁰. Шунга нисбатан, иллокутив куч даражаланишини ҳам нутқ тизимида намоён бўладиган градуонимия ҳодисасининг намунаси сифатида талқин қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Нутқ актларининг мазмун жиҳатидан даражаланиши ва фарқланишида гап прагматикасида муҳим ўринни эгаллайдиган модалликнинг ҳам ҳиссаси бор. Нутқий ҳаракатлар маълум қилинаётган ахборотнинг ҳақиқатлиги, аниқлиги, ишончлилиги, фаразлилиги, зарурлиги кабилар билан фарқланади. Анъанавий грамматикада ушбу маъно оттенкаларининг модаллик категориясига киритилиши барчага маълум. Прагмалингвистлар мазкур қатордаги маънолар баҳо модаллиги мазмуни касб этишини қайд этадилар¹¹.

⁹ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французском языка. Изд. 2. –М.: URSS, 2001. –416 с.

¹⁰ Жумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия: Филол. фанлари доктори. ... дисс. автореферати, – Т., 2016. – 81 б.

¹¹ Levinson S. Presumptive Meanings: A Theory of Generalized Conversational Implicature. – Cambridge, Ma: MIT press, 2000. – 504 p.

Нутқий мулоқот, инсон фаолиятининг бир тури сифатида реал воқеликни билиш жараёни билан боғлиқликда кечади ва бу жараёнда сўзловчи идрок этилаётган объектлар ўзаро боғлиқлигини аниқлаш билан биргаликда, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради. Шунга асосан, модаллик лисоний коммуникация бирликларининг вазифавий белгиси ҳисобланади.

Функционал-семантик майдоннинг сатҳлараро муносабат хусусиятига эга эканлигини таъкидлаётган олимлар грамматик ва грамматик характерда бўлмаган лисоний воситалар бажараётган вазифанинг яқинлигига эътибор қаратиб, улар ифодалаётган семантик вазифа ботиндаги тушунчавий категорияларнинг зоҳирланишидан иборат эканлигини исботламоқчи бўладилар. Майдон назариясига оид ишларда лисоний ҳодисаларнинг вариантлашуви, ўзаро бирикуви ва вазифадошлиги кабиларга алоҳида аҳамият берилади. Айниқса модалликнинг темпораллик ва аспектуаллик категориялари билан муносабати алоҳида таъкидланади. Зотан, «темпораллик ва модаллик майдонлари фаоллаштирувчи предикатив категорияларнинг марказида туради ва бу категориялар нутқий тузилма мазмунининг сўзловчи нуқтаи назаридан белгиланаётган воқеликка муносабатини ифодалайди»¹².

Ҳақиқатдан ҳам, модал бирлик маълум қилинаётган ахборотга сўзловчининг муносабатини ифодалаётиб, нутқий тузилмаларнинг прагматик мазмунига бевосита таъсир ўтказади. Ушбу ҳолатда прагматик мазмун ва модаллик ҳодисаларини бирлаштирувчи омил нутқ субъектидир. Модал маъно нутқий тузилма прагматик мазмунининг ажралмас қисми. Чунки ушбу маъно адресатнинг ифодаланаётган фикрга муносабатини акс эттираётиб, нутқий мулоқотнинг кечишини, унинг таркибий қисмлари фаоллигини таъминлайди ҳамда адресантнинг адресатга таъсир ўтказишига замин ҳозирлайди. Бундан ташқари, модал-баҳо маъносининг юзага келиш шароити охир-оқибатда сўзловчи коммуникатив мақсадининг натижасидир.

Мулоқот контекстида кўзланаётган мақсадни амалга ошириш учун сўзловчи ушбу мақсадни лисоний шакллантиришга йўналтирилган қатор когнитив амалларни бажаради. Бундан ташқари, ўз мақсадини ифодалаётган шахснинг онгида адресатдан кутилаётган жавобнинг тахминий қолипи ҳам шаклланиб улгуради. Шунга биноан, сўзловчи ўз нутқий ҳаракатини кутилаётган жавобга мос равишда бажаришга интилади. Мулоқот вазиятида юзага келаётган талабларни қондириш амалиёти нутқий актларнинг алоҳида таъкид, қатъият ила бажариши билан бир қаторда, таъкидсиз ва нейтрал (бетараф) нутқий актлар ҳам ҳосил бўлиши кузатилади. Шундай қилиб, ягона бир прагматик мазмун таъкидли ёки ҳеч қандай таъкидсиз узатилиши мумкин. Хуллас, прагмалингвистлар таклиф қилишган таснифлардаги нутқий

¹² Бондарко А.В. Вступительные замечания. В кн.: Теория функциональной грамматики. Темпоральность. Модальность. –Л.: Наука, 1990. –С. 67-72.

актлардан (констатив, директив, савол) ҳар қандайи таъкидли, нейтрал ва таъкидсиз кўринишларда воқеланиши мумкин.

Нутқий актларнинг таъкидли/таъкидсиз вариантлари, дастлабки ўринда, сўзловчининг узатилаётган ахборотга ишончи ёки гумони билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва шунга нисбатан уларнинг адресатга таъсир кучи ўсиб боради. Нутқий актнинг таъкидсиз тури воқеланишида тингловчига уни қандай қабул қилиш ихтиёри берилади. Демак, таъкидсизлик модуси ишончсизлик, гумон, фараз қилиш, эҳтимоллик, мумкинлик каби модал маъноларни қамраб олади.

Шу сабаб, нутқий акт мундарижасидаги таъкидсизликни ҳеч тортинмасдан модал-прагматик мазмун доирасига киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу маъно тил тизимида олдиндан мавжуд бўлмасдан, балки фақат мулоқот жараёнида юзага келади.

Таъкидли констатив нутқий акти берилаётган хабарнинг муҳимлиги, ҳақиқийлигини ифодалаётиб, адресатга таъсирини кучайтиради. Чунки сўзловчи тингловчини берилаётган ахборотнинг ростлиги ва муҳимлигига ишонтиришга, унинг гумонларини йўқотишга ҳаракат қилади.

Ростгўйлик, ҳақиқийлик модал маъносига эга бўлган таъкидли констатив нутқий акти ижросида тингловчининг хабар ҳақида бошқача фикрга эга бўлиши тўғрисидаги пресуппозиция ўз кучини сақлайди. Бундай ҳолатда билдирилиши мумкин бўлган эътирознинг олдини олиш йўллари қидирилади. Аммо таъкид ёки катъийликни ҳеч қандай истисносиз «муқаррарлик»ка тенглаштириш нотўғри бўлса керак. Бизнинг фикримизча, қатъиятлилиқ модуси ўзаро қарама-қарши турадиган маънолар қаторларидан иборат (1-жадвал):

1-жадвал

ноқатъиятлилиқ	қатъиятлилиқ
мумкинлик	ҳақиқийлик
эҳтимоллик	ишончлилиқ
ноаниқлик	аниқлик
гумон	ишонч

Таъкидли констатив-мулоқот жараёнида кучайтирилган иккиламчи прагматик мазмунни ифодаловчи нутқий тузилмадир. Бинобарин, ушбу тузилма алоҳида таъкидланган розилиқни, асосли эътирозни, рад жавобини ифодалашни кузатилади. Шунингдек, таъкидли констатив нутқий акти охири баҳо ҳукми бўлиб, унда баҳо гап прагматик мазмунининг кўрсаткичига ишора қилиб, коммуникатив мақсадни ифодаловчи семантик структура марказидан ўрин олади. Маълумки, туб баҳо маъноси сўзловчининг воқеа ҳақидаги алоҳида нуқтаи назарини тингловчига етказиш ва шу йўсинда уни ушбу фикрга қулоқ солишга ундаш усулидир. Баҳо структураларининг таъкид/таъкидсизлик кўламида вариантлашуви шахслараро муносабатда

коммуникатив моҳиятга эга¹³.

Таъкидли констативни ифодаловчи операторлар прагматик мазмунни турлича кўриниш ва усулларда ўзгартирадилар. Мазкур операторлар бажараётган вазифалари, табиати ва маъновий имкониятларига нисбатан икки асосий гуруҳга тақсимланадилар: 1) модал операторлар; 2) коммуникатив операторлар.

Модал операторларнинг таъкид мазмунини ифодалашга иштирок этадиган семалари турлича. Пропозициянинг ҳақиқийлиги, ишончлигини қатъият ила таъкидлаш уларнинг асосий прагмасемантик вазифасидир. Лекин, ушбу вазифа ижросида ҳар хил модал маънолар воқеланишини инобатга олиб, модал операторларни уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин: 1) сўзловчининг пропозиция ҳақиқийлигига ишончини ифодаловчи операторлар; 2) пропозициянинг тўғрилигига ишончни билдирувчи операторлар; 3) сўзловчининг пропозиция аниқлигига шубҳаси йўқлигини кўрсатувчи операторлар. Модал операторлар қаторига модал сўзлар, шу маънодаги бирикмалар, билиш ва ишонч модусининг кенгайтирилган предикатив тузилмалари ҳамда грамматик ва стилистик воситалар киради. Таъкидли констатив нутқий актларини шакллантирувчи операторларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари қуйидаги жадвалда акс топган (Жадвал 2).

2-жадвал.

Таъкидли нутқий актни шакллантирувчи операторлар

Модал операторлар			Коммуникатив операторлар	
Сўзловчининг пропозиция ҳақиқийлигига ишончини тасдиқловчи операторлар	Пропозициянинг ишончлилигига амин бўлишга ундовчи операторлар	Пропозициянинг аниқлигига бўлган ишончни кўрсатувчи операторлар		
Ҳақиқийликка ишора маъносидаги модал сўз ва ифодалар	Ишонч маъносидаги модал сўзлар ва бирикмалар	Аниқлик маъносидаги модал сўзлар		
Эмфатик феъллар иштирокидаги тузилмалар	Табиийлик, аниқликка ишора қилувчи модал сўзлар	Never модал сўзи	Перформатив феъллар	do you know, you know туридаги мурожаат тузилмалари
	Ишонч, аниқлик модусини ифодаловчи кенгайтирилган предикатлар	Феъл замон шаклларининг стилистик кўчими	Диққатни жалб қилишга қаратилган метакоммуникатив бирликлар	Констативни билвосита ифодалаш воситалари

¹³ Nuyts J. Epistemic modality, language and conceptualization: A cognitive – pragmatic approach. – Amsterdam: John Benjamins, 2001. – 428 p.

Диссертациянинг “Нутқий тузилма прагматик мазмунини қатъийлаштирувчи модал бирликлар” деб номланган иккинчи бобида модал сўзлари ва уларнинг коммуникатив муқобилларнинг прагматик вазифалари ёритилган. Модал сўзларнинг прагматик вазифаси хабар берилаётган ахборотга сўзловчи томонидан берилаётган баҳони тингловчига етказишдир¹⁴. Аммо, бизнинг фикримизча, модал сўзларнинг ишлатилиши фақатгина тингловчига сўзловчи томонидан ҳодисаларга нисбатан муносабатни билдиришдангина иборат бўлмасдан, балки ушбу ахборот орқали уни қандайдир ҳаракатга чорлаш мақсади ҳам устувордир.

Нутқий актнинг прагматик мазмунини ҳаққонийлик, фактуаллик жиҳатидан ўзгартирувчи модал бирликларга асосий маъносида «ҳаққонийлик», «рост» ва «ишончли» семалари бўлган *really, actually, indeed* модал сўзлари ва *in fact, as a matter of fact* иборалари киради. Мазкур бирликларнинг констатив нутқий акт таркибида қўлланилиши бутун бир пропозицияга (агар модал сўз бутун нутқий тузилмага тааллуқли бўлган кириш сўз вазифасини бажарса) ёки унинг алоҳида қисмига (агар модал сўз ҳол вазифасида келса) ушбу мазмунларни киритади.

Семантик умумийликка эга бўлган модал сўзлар ва иборалар нутқий тузилмада бир-бирига яқин прагматик вазифаларни бажариши мумкин. Умумий прагматик вазифаларга қуйидагилар киради:

1) пропозиция ростлигини кучайтириш:

You've been so very kind. Really, we've all we could possibly need and more [Le Carre, p. 263]; I want to get rid of it. I have for some time actually [Bradford, p. 85];

2) адресат фикрига бутунлай қўшилганликнинг ифодаси. «Ҳақиқатдан ҳам» мазмунидаги модал сўз бу ўринда нутқий акт самарадорлигини таъминловчи шартлардан бири хизматини ўтаб, адресат назарда тутаётган мазмунни шакллантирувчи восита сифатида намоён бўлади:

«Rose has upset you». Oh all right, and Gerared has upset you.

Actually she annoyed me [Murdoch, The B. and B., p.312].

3) адресат пресуппозицияси ростлигининг таъкидланиши:

– Ted Casablanca's doing her clothes.

– She's really in the big leagues, Jennifer said. Ted won't design for anyone but the top stars [Susann, p.261]. (You think, she is in the big leagues and that's a fact).

4) олдинги фикрга қатъий эътироз билдириш ва тингловчини қарама-қарши фикрга ишонтириш:

– Mr. Rochester is not likely to return soon, I suppose.

– Indeed he is – in three days [Bronte, p. 165].

¹⁴ Jacobson S. On the Use, Meaning and Syntax of English Proverbial Adverbs // Stockholm Studies in English. 1987. – № 44. – 157 p.

Адресат фикрига қатъиян кўшилмаслик, унга эътироз билдириш, шунингдек, *frankly, honestly, truthfully, sincerely* модал сўзлари билан биргаликда перформатив равишлар қаторига мансуб *as a matter of fact* предлогли бирикмаси орқали ҳам ифодаланади [Huang, 1995: 24].

5) Сўзловчи ёлғон деб ҳисоблаётган адресат пресуппозициясини кескин рад этиш:

(though you think I know). My family isn't going to come anywhere near yours, ever. Actually, I came to say that Patricia and I would like to adopt Tamar (though you think I didn't) [Murdoch. The B. and B., p.319].

б) адресатнинг талаби, илтимоси ва таклифининг қатъий рад этилиши: «Still, if you run short, you can have anything I've got». «I'm counting on that», she smiled «But I really don't need a thing, Alex» [Sheldon, M. of the G., p.313].

Шу билан биргаликда, «ҳақиқатдан ҳам» мазмунидаги модал сўзлар алоҳида маъно тусларига эга ва улар нутқий тузилмада ўзига хос вазифаларда келиши кузатилади. Масалан, *really* модал сўзи:

а) сўзловчи билдирган олдинги фикрга нисбатан зид пропозицияни киритиш вазифасини бажаради:

She looks like a little old gnome. But, really, she's going to be a beauty, Lyon [Susann, p.475];

б) ушбу сўз бошқа бировнинг ҳаракатини оқлашни кучайтириши мумкин:

But I only took a few pills. I really was just trying to get some sleep [Susann, p.323].

Гапнинг бошида келаётган ушбу бирликлар констатив нутқий тузилмалар мазмунининг прагматик таъсирини юқори даражада кучайтиради, катта даражадаги таъкид таъсирини беради, чунки ушбу ҳолатда модал сўз адресатга сўзловчининг мулоқотдан кутилаётган мақсадини очиқ беради ва тингловчига нутқий тузилманинг ҳаққоний, воқеликдаги ҳаракатларга мос келишидан хабар беради:

– Actually there won't be any solution to the colour problem until we're all coffee-coloured [Cooper, p.194].

Модал сўзлар нутқий тузилманинг охирида жойлашганида прагматик мазмуннинг таъсири бирмунча пасаяди, аммо у ўзининг тингловчини маълум қилинаётган хабарнинг ростлигига ишонтириш билан боғлиқ асосий вазифасини сақлаб қолади:

He has the driving force, in fact [le Carre, p.57]; It was kind of you, indeed [Osborne, p.108].

Тўпланган мисоллар таҳлили шуни кўрсатдики, асосини боғланган кўшма гаплар ташкил этган нутқий тузилмалар доирасида модал сўзлар нутқий тузилманинг ўртасидан ўрин олган ҳолларда, улар кўпинча ўзидан кейин келган нутқий тузилма мазмунига қарам бўлади :

But she was philosophical about it really, know she couldn't interfere [Bradford, p.802].

Бизнинг фикримизча, сўзловчининг узатилаётган ахборот аниқлигига ишончи маъносидаги бирликлар «ҳақиқатдан ҳам» мазмунидаги модал сўзларга нисбатан таъкид қийматини пасайтиради, чунки охириги ҳолатда пропозиция бевосита воқелик, ҳаққонийлик билан қиёсланади ва натижада билдирилаётган таъкид объектив асосга эга бўлади. Ишонч, аниқлик, табиийлик мазмунидаги модал бирликлари қўлланилган ҳолатларда таъкид тўлиғича пропозициянинг ҳаққонийлиги ва ростлигини тасдиқловчи субъектив омилларга асосланган.

Ишонч мазмунидаги модал сўзлар семантик умумийликка асосланган ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратилади. Ушбу гуруҳга *surely, certainly, of course, sure, undoubtedly* модал сўзлари ва *no doubt, for sure, for certain, to be sure, without doubt* нутқий тузилмалари мансуб.

Ушбу гуруҳдаги модал сўзлар мазмунида иккита маъно компоненти ажралади: 1) субъектив ишонч, сўзловчининг аминлиги ва 2) баҳоланаётган фикрнинг ҳақиқатга мослигига асосланган объектив ишонч. Шунингдек, ишонч мазмунидаги модал сўзларнинг кўпчилиги ихчамлаштирилган предикация сифатида намоён бўлади: *I'm sure --- Surely, I'm certain --- Certainly; I have no doubt --- Undoubtedly*. Бу гуруҳдаги модал сўзлар ва нутқий тузилмалар нутқий акт мундарижасига ишонч мазмунини киритиб, пропозицияга ҳаққонийлик, ростлик табиатини, шу билан биргаликда, унга таъкид тусини беради.

Келтирилган гуруҳдаги модал сўзлар семантикасида ишончнинг умумий семаси мавжудлиги уларнинг умумий прагматик вазибаларга эга эканлигидан дарак беради. Бу бирликлар сўзловчининг пропозиция ростлиги ва ҳаққонийлигига амин эканлигини билдиради ҳамда улар адресатни сўзловчи нуқтаи назарини қабул қилишга ундайди. Таъкид мазмунини кучайтириш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

1) сўзловчи пропозиция ростлигига ишонишини ажратиб кўрсатади:

Why don't you drive up with me on Thursday night, stay for the weekend?
Surely you can take Friday off [Bradford, p.540];

2) воқеалар кечишининг табиийлигига ишора қилинади:

I hadn't spoken to Hale or written him in years. Hale certainly wasn't expecting me [Shaw, Nightwork, p.51];

3) адресат фикри билан розиликнинг ажратиб кўрсатилиши:

– I'm in bad shape. I'm in lousy shape.

– You certainly are [Salinger, Catcher, p.131];

4) адресат пресуппозицияси ҳаққонийлигини тасдиқлаш:

– Still planning to get rich, McCregor?

– I certainly am [Sheldon, M. of the G., p.279];

5) тингловчининг назарида адресатнинг ёлғон кўринган пресуппозициясини қатъиян рад этиш:

– Happiness. That's one of our weakness.

– You certainly won't find it there [Murdoch, The B. and B., p.75] (though you think he will);

б) қатъий эътироз, адресат фикри билан рози бўлмаслик:

– Because the lieutenant happens to be your son-in-law?

– Certainly not. The colonel said angrily [Sheldon, Windnill, p.279];

Ишонч модал оператори қарама-қарши қўйилган лисоний тузилманинг иккаласига ҳам киритилиши мумкин, масалан:

– Except that your tongue is hanging out to see him.

– It certainly is not, but of course I would like to see him [Cunningham, p.39].

Ушбу вазиятда certainly модал сўзи адресат фикрига норозилик, эътирозни ифодалаган биринчи гапга қатъият тусини берса, of course модал сўзининг иккинчи гапда ишлатилиши адресат пресуппозициясининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш билан боғлиқдир.

Surely модал сўзининг ишлатилиши сўзловчининг адресатни ўзининг фикрига бўйсундириш мақсади билан боғланган. Ушбу турдаги нутқий тузилма яширин сўроқ прагматик мазмунини ифода этади:

In the process we reveal our personnel. Surely, you're aware of this [Ludlum, p.604].

Of course модал сўзи ходисанинг аниқлигини тан олишга асосланган ишончни ифодалайди. У surely модал сўзи каби нутқий тузилмага қўшимча сўроқ тусини киритади, сўзловчининг билдираётган фикрини адресат тасдиқлаши кераклигини кўрсатади:

–You know Tonio Corelli, of course, Jess, he said.

Ишонч мазмунидаги модал сўзларнинг прагматик вазифаси уларнинг гап таркибида қандай ўринни эгаллаши билан ҳам боғлиқ. Зотан, ушбу гуруҳдаги модал сўзлар учун гапда турли ўринларда жойлашиш хусусияти хосдир. Ҳар қандай нутқий тузилма у ёки бу модал сўз орқали ишонч мазмунини турли вариантларда ифодалаши мумкин ва модал сўзнинг гапда маълум ўринни эгаллаши қатъий равишда мазмун ўзгаришига таъсир этади.

Ишонч мазмунидаги модал сўзлар бошқа турдаги прагматик кўрсаткичлар билан муносабатга киришади. Нутқий тузилма доирасида икки ёки ундан ортиқ бир йўналишдаги бирликларнинг мавжудлиги ва улардан бири сўзловчининг узатаётган ахборот ҳаққонийлигига ишончи мазмунини акс этган модал сўз ёки ибора бўлган ҳолларда қуйидагиларни кузатиш мумкин:

а) таъкиднинг модал-коммуникатив ифодаланиши, бунда модаллик - ишонч мазмунидаги модал сўзга, коммуникативлик эса, коммуникатив операторга асосланган:

Look, Neely, Helen has a few rough edges, sure [Susann, p.111]; Look, I said you're right, of course [Murdoch, Net, p.132];

б) одатда сўзловчининг ахборот ҳаққонийлигига ишончини иккита кўрсаткич воситасида намоён этган бимодал мослашган ифода:

– I want my son.

– Of course you want your son, Jamie. I never doubted that [Sheldon, M. of the G., p.123].

Лисоний бирлик доирасидан ташқарига олиб чиқилган ва бевосита адресатга йўналтирилган модал оператор пропозициянинг асл маъносидан фарқ қилиши мумкин. Бу ўринда унинг вазифаси адресат пресуппозициясининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш билан боғлиқдир:

Fourteen of them reported to my agent that they'd each killed a man answering to that description, but of course it was probably only the reward they were after [Fitzgerald, St., p.50].

Кенгайтирилган предикатив бирликлар нутқий тузилмага, феъл-кесим маъносидаги фарқларга боғлиқ ҳолда, турли даражадаги таъсирчанлик табиатини бериши мумкин. Жумладан, I know – «Мен биламан» – оператори, шубҳа муносабати мавжуд бўлиши мумкин бўлган пропозицияларни киритади, аммо «билмоқ» феълнинг маъносига кирувчи «ҳаққонийлик» семасининг мавжуд бўлганлиги боис, билмоқ бизнинг кўз ўнгимизда қандайдир маълум, аниқ ва муҳокамага ўрин йўқ нарса каби гавдаланади [Urmson, 1993: 227]. Бундан ташқари, билмоқ модуси мавжуд бўлган нутқий тузилманинг семантик таркиби кўпинча I assure you туридаги перформативдан ташкил топган бўлади.

Билмоқ ва ишонмоқ модусларининг кенгайтирилган предикатив бирикмалар воситасида ифодаланишидан нутқий тузилманинг перлокутив таъсири ошиши кутилади. Ушбу ҳолларда нутқий тузилманинг интенсивлик, ёки градуонимик категорияси ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади¹⁵. Қуйидаги ҳолларда нутқий тузилманинг интенсивлашиши кузатилади:

1) миннатдорлик ифодаланаётганида:

We are all very much obliged to you, I'm sure [Wilder, p.23];

2) тилак, истак билдирилаётганида:

Well, I wish you luck, I'm sure [Christie, Evans, p.23];

3) ижозат, рухсат сўралаётганида:

– Mind if I have a look?

– Go ahead. I'm sure he won't mind [Sheldon, Windmill, p.394].

Баъзи ҳолларда ўрганилаётган гуруҳдаги оператор туб мазмунини йўқотиб, адресатга таклиф билан мурожаат қилиш прагматик вазифасини бажарадиган киритмага айланиши мумкин:

I'm sure, you want a chance to freshen up before you tackle this thing on camera [Susann, p.430].

Шундай қилиб, билмоқ ва ишонмоқ модусининг кенгайтирилган предикацияси мулоқот жараёнида нутқий тузилманинг модаллик доирасига

¹⁵ Туранский И.И. Средства интенсификации высказывания в английском языке. Учебное пособие к спецкурсу для студентов педагогических институтов. – Куйбышев: Изд-во Куйбышевского государственного педагогического института, 1987. – 78 с.; Жумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия: Филол. фанлари доктори. ... дисс. автореферати, – Т., 2016. – 81 б.

сўзловчининг пропозиция ҳаққонийлигига ишончи мазмунини киритиб, таъкид модал оператори вазифасини бажариши мумкин. Улар мазмун хилма-хиллиги ва шунга мос равишда нутқий тузилмага киритиладиган таъкид даражасига биноан фарқ қилади. Билмоқ ва ишонмоқ модусининг батафсил предикацияси мулоқот жараёнида категориаллик нуқтаи назаридан бетараф бўлган қўшимча вазифаларни қамраб олади ва шунингдек, миннатдорлик, кечирим сўраш каби нутқий актларнинг прагматик мазмунини кучайтириш, киритма ва хушмуомалалик вазифаларини ҳам ўз зиммасига олиш ҳолатлари кузатилади. Ишониш ва билиш модусларининг предикатив бирикма воситасида ифодаланиши учун хос бўлган хусусиятларидан бири, уларнинг нутқий тузилма доирасида турли хил жойлашиш имкониятида кўринади.

Мазмунида «маълумки», «равшанки», «табиийки» семалари мавжуд бўлган модал сўзлар нутқий тузилма прагматик мазмунини унга таъкид характерини бериши ҳисобига кучайтиради, баён этилган ҳукмларнинг табиийлиги, маълумлиги асосида адресатда пропозицияни рост, деб қабул қилишга мойиллик уйғотади. Ушбу каторга *apparently, evidently, obviously, clearly* модал сўзлари киради.

Қатъийлик даражаси ушбу операторлар мазмунидаги фарқланишга асосланган. Алхусус, *apparently* модал сўзи ҳаққоний деб туюлган ҳукмларни акс эттиради. Бизнинг нуқтаи назаримизда, *apparently* сўзи мазмунининг асосий семаси «аниқлик», «ҳаққонийлик»ни тўлиқ бўлмасида ташкил этади. Масалан:

Now all of a sudden, the fellow takes a run-out powder. Apparently, he has run away with a married women [Gardner, p.115].

Obviously модал сўзи, ҳаттоки, муқобил хусусиятлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам, ҳукмнинг адресат назарида бутунлай равшанлигини акс эттиради. Маълумлик бевосита кузатувда қабул қилиш намоён бўлмаган ҳолатларда ҳам тан олинади [Webster, p.369]. *Obviously* модал сўзи сўзловчининг ҳеч қандай шубҳа ёки иккиланишини назарда тутмайди:

Obviously, I don't want to add fuel to the fire [Bradford, p.372].

Ушбу операторларнинг ўзига хос семантик хусусиятлари мавжудлиги боис, улар бир нутқий тузилма доирасида камдан-кам ҳолатларда нутқий актлар таъсир кучини пасайтирувчи бирликлар билан муносабатдор бўлади. Мазкур вазифадошлик таъкиднинг даражасини камайтирувчи оператор сифатида хизмат қилиб, натижада ҳаққонийлик шубҳа остига олиниши мумкин бўлган баҳоловчи нутқий тузилмаларга хосдир [Вольф, 2002: 110-111].

Аниқлик модал мазмуни нутқий актларга *definitely, exactly, precisely, never* модал сўзлари ва феъл-кесимнинг замон шакли транспозицияси орқали киритилади.

Мазкур қатъийлик операторлари қуйидаги прагматик вазифаларни ифодалаш учун хизмат қилади:

1) адресат фикри билан розиликни таъкидлаб кўрсатиш:

– She understood that I had had an accident.

– She definitely did [le Carre, p.422];

1) адресат пресуппозицияси ҳаққонийлигининг қатъий тасдиқланиши:

– Is he a special friend of yours? Mason asked.

– Definitely [Gardner, p.52].

